



БИЗНЕС-ТАҲЛИЛНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.,

Зариф Юсуфович Аминов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.,

Озода Мамаюнусова Пардаева

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида кафедра мудир, доцент,
PhD.

АННАТАЦИЯ

Мақола бизнес-таҳлилнинг ривожланиш босқичлари ва принципларининг мазмуни билан боғлиқ масалаларни очиб беришга бағишланган. Бунда таҳлил фанининг ривожланиш босқичлари Конфуцийлик таълимотига, Қадимги Грециядаги Ксенофот, Аристотел, Қадимги Римдаги Варроон, Санекалар томонидан ёзиб қолдирилган манбаларга бориб тақалиши ёритилган. Шунингдек, фаннинг муҳим принциплари сифатида қуйидагилар келтирилган. Булар таркибига: илмийлик, тизимлилик, копмлекслик, объективлик, таъсирчанлик, режалилик, самарадорлик, оперативлик, демократлик кабиларни киритиш тавсия қилинган ва уларга қисқача изоҳ берилган.

Калит сўзлар. Бизнес, таҳлил, бизнес-таҳлил, корхона, ташкилот, компания, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, истиқболли таҳлил, стратегик таҳлил, илмийлик, тизимлилик, копмлекслик, объективлик, таъсирчанлик, режалилик, самарадорлик, оперативлик, демократлик.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена раскрытию вопросов, связанных с содержанием этапов развития бизнес-анализа и его принципов. В ней показано, что этапы развития аналитической науки восходят к учениям конфуцианства, а также к источникам, оставленным Ксенофонтом и Аристотелем в Древней Греции, Варроном и Сенекой в Древнем Риме. Кроме того, в качестве важнейших принципов науки предлагается выделить следующие: научность, системность, комплексность, объективность, действенность, плановость, результативность, оперативность и демократичность, которым даётся краткая характеристика.

Ключевые слова: бизнес, анализ, бизнес-анализ, предприятие, организация, компания, системный анализ, сравнительный анализ, перспективный анализ, стратегический анализ, научность, системность, комплексность, объективность, действенность, плановость, результативность, оперативность, демократичность.

STAGES AND PRINCIPLES OF BUSINESS ANALYSIS DEVELOPMENT

ABSTRACT

The article is devoted to revealing issues related to the content of the stages of business analysis development and its principles. It highlights that the stages of development of analytical science trace back to the teachings of Confucianism, as well as to sources written by Xenophon and Aristotle in Ancient Greece, and Varro and Seneca in Ancient Rome. In addition, the following are proposed as the key principles of the discipline: scientific validity, systematic approach, comprehensiveness, objectivity, effectiveness, planning, efficiency, operational efficiency, and democratic principles, each of which is briefly explained.

Keywords: business, analysis, business analysis, enterprise, organization, company, system analysis, comparative analysis, prospective analysis, strategic analysis, scientific validity, systematic approach, comprehensiveness, objectivity, effectiveness, planning, efficiency, operational efficiency, democratic principles.



КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиёти рақамли трансформация, катта маълумотлар (Big Data), сунъий интеллект ва автоматлаштириш жараёнлари таъсирида жадал ривожланмоқда. Бундай шароитда бизнес қарорларини интуицияга эмас, чуқур таҳлил қилиб, илмий жиҳатдан асосланган усуллар ва тизимли ёндашувга таяниш зарурати ортиб бормоқда. Шу боис бизнес-таҳлилнинг ривожланиш босқичлари ва унинг фундаментал принципларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Зеро, иқтисодиётнинг рақамлашуви ва глобаллашуви нуқтаи назаридан қаралганда ҳам мазкур масала долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодиёт жадал ривожланаётган пайтда корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш зарурати ҳам пайдо бўлиб турибди. Бундай замонавий бозор шароитида корхоналар рақобатнинг кучайишини, ресурсларнинг чекланганлигини, бозор конъюктурасининг тез ўзгаришига дуч келаётганлигини ҳам ҳисобга олишни тақозо қилади. Бундай вазиятда бизнес-таҳлил стратегик қарорлар қабул қилиш, таваккалчиликни камайтириш, самарадорликни оширишнинг асосий инструменти сифатида намоён бўлади. Шунинг учун унинг принципларини илмий асосда таҳлил қилиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Бизнес-таҳлилнинг илдизлари қадимги иқтисодий-тафаккур манбаларига бориб тақалса-да замонавий бизнес муҳитида, ушбу илмий меросни қайта талқин қилиш, уни ҳозирги бошқарув моделлари билан уйғунлаштириш талаб этилмоқда. Бу эса мавзунинг назарий аҳамиятини янада оширади. Шу жиҳатдан, илмий мерос ва замонавий назариялар уйғунлигини таъминлашни ҳам тақозо қилади.

Иқтисодиётда рақобат кучайган пайтда бошқарув қарорларининг сифатини ошириш масаласи муҳим ҳисобланади. Ҳозирги пайтда амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, кўплаб хўжалик юритувчи субъектларда қарорлар таҳлилсиз ёки юзаки таҳлил асосида қабул қилинмоқда, бу эса иқтисодий йўқотишларга олиб келмоқда. Бундай шароитда бизнес-таҳлил принципларига амал қилиш қарорлар сифатини яхшилаш, режалилик ва оперативликни таъминлаш имконини беради. Масаланинг бу жиҳатлари ҳам мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада бизнес-таҳлилнинг ривожланиш босқичлари ва принципларининг мазмуни билан боғлиқ масалаларни очиб бериш жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, микдор ва сифат, макон ва замон, таҳлил ва синтез, мантиқий таҳлил каби методологик ёндашувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш контекстида мамлакатимизда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнларда бизнес-таҳлил корхоналар фаолиятини баҳолаш, инвестицион жозибадорликни ошириш, стратегик режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ҳозирги кунда илмий тадқиқотлар ва ўқув жараёни учун аҳамияти жиҳати шундаки, “Бизнес-таҳлил” олий таълим муассасаларида “Менежмент”, “Иқтисодий таҳлил” каби бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган фанларини назарий ва услубий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Шу билан бирга, у илмий тадқиқотлар учун мустаҳкам методологик база сифатида ҳам ўзини намоён қилади.

“Бизнес-таҳлил”, объектив зарурият асосида қайтадан шаклланган фан бўлиб ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бутун дунё микёсида содир бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг рақамлашуви ва глобал рақобат шароитида бизнес қарорларини илмий асосланган таҳлилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис бизнес-



таҳлилни ривожланиш босқичлари ва принципларини ўрганиш, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб бериш ҳозирги кунда жуда долзарб ҳисобланади.

Муваффақиятли таҳлилчи компанияга фойда келтирадиган таклифлар ва бизнес жараёнларга тузатишлар киритади. Ушбу лавозимни эгаллаган шахс энг самарали ривожланиш стратегиясини яратади, уларни амалга ошириш йўлларини белгилайди ҳамда натижалар бўйича башорат қилади. Бундан ташқари, иш таърифига кўра, бизнес-таҳлилчи қуйидагиларни бажариши шарт: мижозлар талабларини тўплаш, расмийлаштириш ва улар билан келишиш; маълумотларни тўплаш, бизнес жараёнларини тавсифлаш ва моделлаштириш; самарадорлик даражасини таҳлил қилиш ва оптималлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш; зарур ҳужжатларни тайёрлаш; қиёсий таҳлилларни тайёрлаш.

Иш берувчига нолдан бошлаб, университет тугагандан сўнг, фақат энг яхши ва энг истиқболли ходимлар тавсия этилади. Кўпинча иш берувчилар бизнес таҳлилчи лавозимига мурожаат этувчидан қуйидагиларни талаб қилишади: олий маълумотли; СРМ (мижоз билан ўзаро алоқани автоматлаштириш учун дастурий таъминот) ёки ҳар қандай банк тизими тўғрисида маълумот; ушбу лавозимдаги иш тажрибаси; техник топшириқларни тузиш бўйича кўникмалар; меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш тажрибаси; компьютер ва унинг зарур дастурий таъминотларидан ишончли фойдаланишни билиш.

Соҳа фаолиятига оид илк дастлабки қадамлар бу кичик ходимларнинг даражаси. Дастлаб, Сиз мавжуд бизнес-аналитикнинг ёрдамчиси ёки менежери сифатида ишлашингиз мумкин. Ушбу тажриба сизга жуда фойдали бўлади, чунки у қимматли амалий кўникма ва билимларни беради. Агар, сиз АССА (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси) танлов курслари ва малака оширишни муваффақиятли якунласангиз, бизнесни таҳлил қилишда мартаба ўсиши тезлашади. Ушбу ташкилот томонидан берилган сертификат халқаро миқёсда энг ҳурматга сазовор бўлган ва тан олинган сертификатлардан биридир.

Бизнесни ўзгартиришда рақамли тенденцияларни ривожлантиришнинг энг истиқболли ва қизиқарли йўналишларидан бири бу бизнес-таҳлил йўналишидир. Шу сабабли ҳам кейинги йилларда ушбу касб эгаларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Миллий иқтисодийимизда ҳам ушбу касб эгаларини кенг доирада тайёрлаш мақсадида Тошкент молия институтида (ҳозирги Тошкент халқ хўжалик университети) 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб мазкур касб эгалари бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш бошланди. Таълим йўналиши бўйича буюртмалар пакетини шакллантириш, соҳа бўйича касб эгаларининг нуфузини ошириш юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар афсуски ҳали кўп. Ўйлаймизки, юқорида билдирилган фикрлар орқали бизнес-таҳлил юзасидан кизикувчиларда дастлабки мулоқотда, мижоз ва тадбиркорлик субъектларининг бир-бирларини тушунишлари ҳамда истиқболли ечимларга келишда илк манба бўлиб хизмат қилади.

Рақобатдош иқтисодий хўжалик юритувчи субъектлар бошқарувини тубдан такомиллаштириш, унинг сифат жиҳатидан янги тузилмасини шакллантириш ва самарадорликни ўз-ўзидан таъминлайдиган механизм эмас. Биринчи навбатда, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш, инновацион маҳсулотларни яратиш орқали рақобатдошликни таъминлаш, таркибий ўзгаришларни талаб этади. Бу жараёнлар албатта ишдаги унум ва самарани, натижавийликдаги ижобийликни таъминлашнинг муҳим гарови ҳисобланади. Ишдаги унум ва самара, натижавийликда ижобий ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини кэнг қамровли ва тизимли шаклда доимий ўрганишни, баҳолаш ва таҳлил қилишни талаб этади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, уни йўлга қўйишдаги кафолатланган эркинликлари ҳамда маълум бир дастаклар асосида тартибланувчи бирликлари доимо



тахлилий ечимлар асосида бошқариб борилади. Худди шу бошқарув оддийдан мураккабга, майдадан йирикка, сабаб-оқибат боғланишларидаги иқтисодий, молиявий таҳлилни йўлга қўйишни талаб этади.

Ҳар битта фан объектив зарурият туфайли пайдо бўлиши ва олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиши, моддий ва номоддий оламдаги саволларнинг аниқ ечимини бериши, ҳаёт ва уни гўзаллигини таъминлашнинг муҳим воситасига айланишида тобора ривожланиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодий, молиявий таҳлил фанининг ҳам ташкил топганига бир неча асрдан ошганлигини қайд этиш лозим.

Фан шаклланишининг илк кўринишлари қадимги даврларга бориб тақалади. Жумладан унинг илк манбалари Конфуцийлик таълимотига, Қадимги Грециядаги Ксенофот, Аристотел, Қадимги Римдаги Варроон, Санекалар томонидан ёзиб қолдирилган манбаларга бориб тақалади.

Ўрта асрларда таҳлилга оид манбаларни иқтисодий назария фанининг таркибида макро ва микро иқтисодий таҳлил ечимларидан фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Бунда Антуан Монкрет, У.Петти, Д.Рикардо, А.Смит, С.Сисмонди ва бошқаларнинг ҳиссаси катта.

Таҳлил фанининг фан сифатида шаклланганлигига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Унга доир фундаментал манбалар XX асрнинг 20–30- йилларига келибгина чоп этила бошланди.

Фанларнинг юзага келиши табиий жараён ҳисобланади. Қаерда ва қачон унга зарурият пайдо бўлса, ўша жойда фанларнинг янги йўналишлари пайдо бўлади. Дунёни билиш назариясини иқтисодиётга боғланган сўровларини ҳал этишда муҳим восита ҳисобланган таҳлил нафақат аниқ фан сифатида, балки барча фанларга методологик асос сифатида ҳам қаралади.

Таҳлил фанининг предметиға кенг маънода эътибор берадиган бўлсак, у таҳлил қилинаётган объект (фирма, компания, консернлар)нинг бутун хўжалик фаолиятидир. Таҳлил фани хўжалик фаолиятида нафақат содир бўлган, балки бўлаётган ва келгусида бўладиган жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Шу жиҳатдан ушбу фан ўзининг кенг қамровлиги билан бошқа фанлардан тубдан фарқ қилади.

Таҳлил фанининг предметиға манбаларда берилган таърифлар шу даражада кўп бўлишиға қарамасдан уларнинг барчасини бир мазмунда тушуниш мумкин. Бу мазмун, жараёнларнинг доиравийлиги, фаолият натижаларининг манбаларда ифода этилганлиги, кўрсаткичлар тизимида баҳоланиши, сабаб-оқибат боғланишлари, ички ва ташқи омиллар таъсирида ўрганишнинг ягоналиги билан изоҳланади.

Фаннинг предмети билан бир қаторда унинг объектиға ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Таҳлил фанининг объекти турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг таркибий бўғинлари (бўлим, сех, бригадалар) фаолияти, иқтисодий натижалари, мулкый-молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таъминот, сотиш, молиявий фаолияти ҳисобланади.

Молиявий рақобатдошликка ва тўғри молиявий сиёсатни юритишға корхона фойдасини максималлаштириш, капитал таркибини оптималлаштириш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, мулкдорлар (қатнашчилар, таъсисчилар), инвесторлар ва кредиторлар учун молиявий ҳолатнинг жозибадорлигини ошириш, корхона бошқаруви юзасидан самарали механизмни шакллантириш, шунингдек, молиявий ресурсларни жалб этишда бозор механизмнинг барча имкониятларидан фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

Фаннинг муҳим принциплари сифатида қуйидагилар таркибланади.

Илмийлик. Диалектик билиш назариясига асосланиши, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий қонунлари талабларини ҳисобга олиши, фан-техника



тараққиёти ютуқларини, илғор тажрибаларни ва иқтисодий тадқиқотнинг энг янги усулларини ҳисобга олиши лозим

Тизимлилиқ. Ўрганилаётган объект мураккаб динамик тизим ва у бир қатор майда унсурлардан ва уларнинг ўзаро боғланишидан ташкил топган деб қаралиши лозим

Копмлекслик. Таҳлил қилинаётган объектнинг барча бирликлари, бўғинлари ва томонларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқликларини атрофлича ўрганишни тақозо қилади

Объективлик, аниқлик ва ишончлилиқ. Ҳақиқатни акс эттирадиган ишончли ва тасдиқланган таҳлил ишончли, текширилган ва реал воқелиқни акс эттирувчи маълумотларга асосланиши зарур. Фақат шундагина таҳлил натижалари талабга жавоб беради. Шу сабабли ҳам корхонада доимо ҳисоб, назорат (аудит) такомиллаштириб борилиши талаб этилади

Таъсирчанлик. Таҳлил ишлаб чиқариш жараёнларининг боришига унинг натижаларига бевосита аралашини, резервларни, йўл қўйилган хато ва камчиликларни қидириб топишга бевосита таъсир кўрсатиши лозимлигини ифода этади.

Режалилик. Бу тамойилга мувофиқ корхоналарда амалга ошириладиган аналитик ишлар режалаштирилиши, уни бажарувчилар ўртасида тақсимланиши ва назорат қилиб борилиши лозимлигини ифода этади

Самарадорлик. Таҳлилни ўтказиш учун кетган сарф-харажатлар бир неча баробар қопланиши кераклигини ифода этади

Оперативлик. Бу тамойил таҳлилни ўтказиш, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалиётга жорий қилишда аниқ ва тезкорликни тақозо қилади

Демократлик. Таҳлилни ўтказишга корхонанинг кэнг жамоатчилигини жалб қилиш ва таҳлил натижаларини муҳокама қилишда кэнг жамоатчилик иштирокини тақозо қиладимикро кўламдаги таҳлилнинг барча турларига хосдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, реал воқелиқда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда фақат таҳлилни ўзи етарли бўлмайди. Инсон тафаккурига мос келувчи бошқа усуллардан ҳам фойдаланишга зарурият туғилади. Шу жиҳатда таҳлилга муқобилликда “синтез” усули ҳам таркибланиб, унинг ёрдамида ўрганилаётган тўпламнинг айрим бирликлари орасидаги алоқалар ва ўзаро боғлиқликлари аниқланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Бизнес-таҳлилнинг ривожланиш босқичлари ва принципларининг мазмуни билан боғлиқ масалаларни очиб беришга бағишланган ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида бир қанча илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Булар:

Биринчидан, бизнес-таҳлил фанининг муҳим принциплари сифатида тан олинган ва биз тавсия қилган қуйидаги принциплар: илмийлик, тизимлилиқ, копмлекслик, объективлик, таъсирчанлик, режалилик, самарадорлик, оперативлик, демократлик кабиларни бизнес-таҳлилга оид ўқув адабиётларига ва амалиётга киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун уларнинг самарадорлигини мунтазам равишда ошириб боришга эришиш лозим бўлади. Бунга эришиш учун корхоналар самарадорлигини таҳлил қилишда сарф қилинган харажатлар нуқтаи назаридан қараб, кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга тежамкорлик билан эришиш йўлларини ахтариб топишга эътиборни қаратишни тақозо қилади.

Учинчидан, корхонада қилинган сарф-харажатлар мунтазам равишда бир неча баробар қопланиши кераклигини таъминлашни тақозо қилади. Бунинг учун амалиётга инновацион омилларни мунтазам равишда жорий қилиб боришни тақозо қилади.



Тўртинчидан, барча ишларни амалга оширишда тизимлиликни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Чунки ҳар бир ўрганилаётган объект мураккаб динамик тизимга эга. Бу тизим ҳам бир қатор майда унсурлардан ва уларнинг ўзаро боғланишидан ташкил топганлиги ушбу жараёнга тизимли ёндошишни тақозо қилади. Чунки, бир томонга катта эътиборни қаратиб, иккинчи томон эътибордан четда қоладиган бўлса, тизим бузилади ва мос равишда қутилган самарадорликка эришиш ҳам мураккаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётнинг рақамлашуви ва глобал рақобат шароитида бизнес билан боғлиқ қарорларини илмий асосланган тарзда қабул қилишни тақозо қилади. Буни бизнес-таҳлилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис бизнес-таҳлилнинг ривожланиш босқичлари ва принципларини ўрганиш, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб бериш ҳозирги кунда ҳам, келажакда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аристотель. *Никомах ахлоқи*. – Тошкент: Фан, 2010.
2. Ксенофонт. *Иқтисодиёт (Домострой)*. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
3. Сенека. *Ахлоқий мактублар*. – Тошкент: Шарқ, 2012.
4. Варрон. *Қишлоқ хўжалиги ҳақида*. – Тошкент: Фан, 2009.
5. Смит А. *Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот*. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
6. Рикардо Д. *Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш асослари*. – Тошкент: Фан, 2007.
7. Петти У. *Сиёсий арифметика*. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2006.